

БАДИИЙ СЎЗ УСТАСИ - бадиий асар: шеър, наср ва драматик матн ёки улардан олинган парчани эстрада, цирк, филармония сахнасида, телекўрсатув ёки радио оркали ифодали ўкиб, тингловчига ифодали хамда таъсирли килиб етказувчи ижрочи шахс. Бадиий сўз устаси ўзининг ширали ва товланувчан овози, ифода услуби, талаффузининг ёркинлиги, ижро махорати, асосий фикрни англлатувчи сўзларни ургу билан, адабий ва бадиий тил меъёрлари асосида талаффуз этиши каби фазилатлари билан тингловчини ўзига жалб этади, уларга эстетик завк бахш этади. Кадимда халк огзаки ижоди намуналари бўлмиш достон, кисса ва ривоятларни халк сайллари, тўй-йигинларда омма орасида ўкиб юривчи киссахон ва бахшиларни хам бадиий сўз устаси дейиш мумкин. Чунки улар бадиий асар намуналарини турли муспқа асбоблари жўрлигида куйлаш билан чекланиб колмасдан, муайян шароит, тингловчилар аудиторияси такозосига кўра бадиий ўкиш билан хам шугулланишган. Шунн алохида кайд килиш керакки, бугунги кунда бадиий-эстетик тафаккури ва маданияти ривожланган мамлакатларда бадиий асарни омма орасида ифодали ўкиш санъат даражасига кўтарилгандир.